



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 август, сешанба № 133 (1350)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Мустақиллик майдонидан

репортаж

Мустақиллик майдони - Истиклол тенгдоши. Зеро, Президентимиз Ислоом Каримовнинг 1991 йил 5 сентябрдаги Фармониغا мувофиқ қайта номланганнинг ўзиёқ унинг таваллуд гувоҳномасини олганидир. Ҳар бир йил давоманда бутун юрт бўйлаб амалга оширилган ҳаётбахш янгиликлар, кенг бунёдкорлик ишлари бош майдонимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугун у гўзал ва теран бир салобат касб этганча кўзларни қувонтириб турибди.

Шу кунларда у шодлиги-ю ҳаяжонини ичига сиғдирилмаётган танги ўзбекининг қайноқ ва жўшқин қалбига жуда ҳам монанд. Майдонда энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик кунини нишонлашга кенг кўламли тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Айни чоғда, бу ерда қарийб 10 минг нафар иштирокчи 31 августда бўлиб ўтадиган улкан байрамга жиддий тадорик кўраётди. «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақ», «Ўзбектеатр» каби ижодий-бадий бирлашмалар, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазирилари бадий жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллари ва болалар дасталари, олий ўқув юрталари, коллеж ва лицейлар, хореография, мусиқа билим юрталари талбалари ҳамда санъат мактаблари ўқувчилари шулар жумласидандир.

Байрамга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш республика ташкилий комиссияси ишчи гуруҳининг штаби ҳам майдонга туташ бинода жойлашган. Ишчи гуруҳ раҳбари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Баходир Абдурахимов билан байрам томошалари бош режиссёри Рустам Хамидовни қизгин, уларнинг фикрича, одатдаги-

дек, иш устида учратдик. - Аввало шуни айтиш керакки, Мустақиллик майдонидидаги қурилиш, электромонтаж ишларининг барчаси меъёрида бормоқда, - дейди Р.Хамидов. - Майдондаги саҳна ва ўриндиқларни, ёриткич овоз кучайтиргичларни ўз вақтида пухта тахтлаб-тайёрлаб топширгани учун қурувчи ва монтажчилардан мамнунми. Бадий жиҳатдан юксак савияли асарлар яратиш биз - санъат аҳлининг зиммасида. Бу ишларга юртининг таниқли санъат усталари, тажрибали мутахассислар кенг жалб этилган.

Жумладан, Ўзбекистон санъат арбоби Носир Отабоев, ёшларнинг таниқли спорт устози Эдуард Колосовский каби режиссёрлар ҳозир театрлаштирилган ва оммавий саҳналарини шакллантириш, бадий чиқишларнинг майдон манзараси билан уйғунлигини таъминлаш устида ишламоқда.

«Ўзбекрақ» бирлашмаси ва унинг жойлардаги филиаллари шу бирлашма бош директори, Ўзбекистон санъат арбоби Юлдуз Исмаилов раҳбарлигида катта рақс композициялари яратиш билан машғул. «Ўзбекнаво» бирлашмасининг машҳур эстрада юлдузлари билан бир қаторда, ҳали катта саҳнага чиқиб улгурмаган, лекин умидли, келажаги порлоқ ёшларни ҳам ана шу мўтабар байрам саҳнасига олиб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундай сай-ҳаракатларимиз, албатта, байрам дастури бошдан-охиригача янги мусиқий асарлар, кўшиқ ва рақслардан иборат бўлишига, томошалар-

нинг бетакрор, юксак савияда ва кўтаринки руҳда ўтишига қаратилган. Дарҳақиқат, Мустақиллик майдони саҳнаси кун давомида бир зум ҳам бўш қолмайди. Истиклолимиз, халқимиз, юртимизни улуғловчи тантанавор кўшиқ ва мусиқалар янграйди, байроқдорлар сафи шахдам ва мағрур қадам ташлайди.

Байрам мутасаддиларининг таъкидлашича, катта томоша дастурининг энг ранг-баранг ва қизиқарли қисмларидан бири - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакилларининг бадий чиқишлари бўлади. Жойлардан келган бир ярим минг нафар иштирокчи «Вилоятлар гулдаси» лавҳасини тайёрлаш билан шуғулланипти.

Ҳозиргина жойлардан келган 24 нафар раққоса иштирокида ижро этилган бадий лавҳани машқ қилдик, - дейди Қорақалпоғистоннинг «Айқулаш» рақсансамбли вакиласи Мухаббат Султабаева. - Дастамиз йигит-қизлари Бердақ номидаги драма театри артистлари билан биргаликда Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган махсус дастур намойишига ҳам тайёрланмоқда.

- Мен эса Амир Темури бобомиз юрти - Шахрисабзнинг 2700 йиллигига аталган лавҳалар намойишида қатнашяман, - сўхатимизга қўшилиди Қарши тиббиёт коллежи талабаси Шахноза Тўраева. - Дугоналарим билан гўзал ва оқила малика момоизи Бибиҳонимнинг канизаклари сиймосида саҳнада воҳамизнинг ўзига хос урф-одатлари, тарихий қадриятларини жонлантиришга ҳаракат қиламиз. Фольклор-этнографик ан-

самбллари вакиллари, ҳарбийлар, спортчилар, янги бадий лавҳалар ижрочилари навбати билан саҳнага кўтарилди. Машқлар қизиқандан-қизиқди.

Иссиқнинг тафти эса, аксинча, сусаймоқда. Куёш қизаргани сари анхору хиёбонлар салқинига тўйинган сўлим шаббода юзларни майин силаб ўтади. Амфитеатрга қирилган кенг йўлак четидаги газли сув мосламалари ва шу ерда энгилгина тамадди учун ўрнатилган савдо расталари олдида одамлар сийраклашиб боради.

Майдон узра турфа чироқлар ва ўткир нурли прожекторлар ярқираб, оқшом тушанидан дарак беради. Майдонда ўрнатилган 14 қаватли уй баландлигидаги улкан паннода ўн бир йил мобайнида юракларимизга нақшланиб, азиз ва қадри бўлиб қолган юрт байрогининг шакли шуьлаланади. Биз бу мўъжиза ижодкорлари томон шошиламиз.

Ушбу йирик паннонинг баландлиги 60, эни эса қарийб 146 метр, - дейди «Тошшаҳарнур» унитар корхонаси махсус ёритиш бошқармасининг бош муҳандиси Исқандар Тожмухаммедов. - Унга юз мингтадан зиёд электр чироғи, тахминан ўн километр узунликдаги дюралайт, яъни ёнарсим улган. Айни пайтда паннонинг барча дастурлар бўйича ишга шайлигини текшириб бўлдик. Ҳаракатланувчи нурли ёзув талбоси ҳам тахт ҳолда, атрофдаги дархалларни рангин чироқлар билан бешаш ишлари ниҳоясига етпти.


Овоз кучайтиргич мосламалар олдидаги бир гуруҳ йигитлар томон йўл олдик. Хориждан келтирилган энг замонавий техник жиҳозлар

билан бемалол тиллашиб турган бу шоввозлар «гап билгунча, иш бил» деган нақлини хуш қўрувчилар қабилдан экан.

Улар билан гурунган кўп янгиликларни билиб олдик. Масалан, бу йил овоз мосламаларининг сони олдинги йилларга нисбатан бир-мунча кўпайган, уларнинг қуввати ҳам ортган. Бу борадаги яна бир жиҳат - эндиликда овоз мосламаларини бутунлай янгича тартибда, майдон аҳли саҳна томошалари овозини янада тиниқ эшитадиган қилиб жойлаштириш учун ҳаракат борапти.

Энг муҳими, ҳар бир саҳна лавҳаси учун алоҳида нур ва овоз дастурлари ишлаб чиқилган. Ёритиш ва овоз кучайтириш жараёнлари бўйича барча дастурлар компьютерлаштирилган бўлиб, ягона пултдан бошқариб турилади. Буларнинг барчаси мўтабар байрамимиз ташкилий-техник жиҳатдан юксак савияда ўтишига хизмат қилади.

Бутун сай-ҳаракат мустақиллик йилларида, шу жумладан, истиклолимизнинг ўн биринчи йилида Президентимиз Ислоом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимиз сиймолари, жаҳонга юз тутган юртимиз жамоили камолини юксак бадий ифодалар воситасида, театрлаштирилган лавҳаларда, янги-янги кўшиқ, рақс ва мусиқий оҳангларда намойён этишга ва халқимизни истиклолдоғи буюк яратувчилик ишларига илҳомлантиришга қаратилган. **Ғулום МИРЗО, Ўза мухбири.**



ШУ ГЎЗАЛ ЮРТ, МУҚАДДАС ЗАМИН

фақат бизга ато этилган

Инсон учун озодликдан кўра олий муқофот, улугъ неъмат йўқ. Фидокор халқимиз мустақиллик йилларида ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтказиш йўлида собитқадамлик билан амалга оширган ишлари ҳақида бугун гуруҳ билан гапирялмиш. Энг катта муаллим — ҳаёт, тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, ҳеч қачон турмуш вазиқларга осонликча эришилмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари уқтириб келаятган ислохотларимизни доимий ҳаракатга айлантиришимиз, ҳаётимиз негизини ташкил этувчи муҳим принципларга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Шундан келиб чиқиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий туриб хийолаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб, муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот каби масалаларни биз — касаба уюшмалари вакиллари ҳам устувор вазифа деб билмоқдамиз.

Ҳўш, касаба уюшмаларининг меҳнатқашларга бераётган нафи, уларнинг ўрни, нуфузи нималарда кўринмоқда? Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда Сирдарё вилоят ҳокимлигининг ижтимоий шерикчиликка асосланган келишуви имзоланганига ўн йилдан ошди. Бу ўз самарасини бермоқда. Ҳозирга келиб, келишув ва шартномалар касаба уюшма аъзоларининг 95,5 фоизини қамраб олганлиги ҳам кўп нарсани аналатади.

Асосий мажбуриятлардан бири янги иш ўринлари яратиш эди. Мақсадга эришишда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида белгиланган тадбирлар бекиёс рол ўйнамоқда. Хусусан, ҳар ойда бир марта меҳнат ярмаркалари ўтказилапти. Худди шу йўл билан ўтган йили 15255 киши муқим иш билан таъминланди. Эътиборлиси шунки, янги иш жойларининг 11063 таси қишлоқларда яратилди.


Меҳнатқашлар ижтимоий хийомаси, боқувчисини йўқотган, ўзгалар мададига муҳтож кимсаларни қўллаб-қувватлаш энг нуфузли жамоат ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Амалдаги келишувларга асосланиб, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроқлари, кийим-бош олиш учун етарлича маблағ ажратилимоқда. Биргина ўтган йили 752 корхонада ишлайётган 27418 аёлга қўшимча таътил берилди.



Яна бир гап, кўп болали, боқувчисини йўқотган 812 оила фарзандини мактаб ошхоналарида бепул ҳамда имтиёзли оқватлантириш йўлга қўйилди. Булар учун касаба уюшмалари ҳисобидан яхшигина маблағ ажратилди. Худди шундай тадбирларни амалга оширишда касаба уюшмалари билан меҳнатқашлар, фуқароларнинг ўзаро яқинлиги таъминланмоқда. Оддий одамларнинг бир оғиз самимий сўзи соҳамиз вакилларини янада унумлироқ ишлашга ундаб келмоқда. Кишлоқ аёллари, баловат ёшларидаги қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилётган ишлар ҳусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Касаба уюшмалари ташаббуси билан тренинглари ўтказиш йўлга қўйилди. Виноқк интернетишл лойиҳасининг маъқул жиҳати шунки, у уй бекалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқурроқ англаб етишларида, ҳаётда фаол ҳаракат қилишларида алоҳида рол ўйнамоқда. Эндиликда виллоятимизнинг турли хуудларидан ҳар ҳафта қизқарли учрашувлар бўлиб ўтапти. Инсон айнақса қарига-нида иззат-ҳурматда, роҳат-фароғатда бўлсин. Вилоят касаба уюшмалари фаҳримиз, суянган тоғларимиз бўлмиш ота-

хону онахонларни эъозлаш, уларнинг тажрибаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ахир табарруқ инсонлар умр бўйи корхоналар, хўжаликлар, қурилишларда, турли муассасаларда фидокорона меҳнат қилиб, юртимизни гуллаб-яшнатишга муносиб хисса қўшишган. Бунини чуқур англаган ҳолда Қариларни қадрлаш йили Давлат дастури юзасидан хайри ишларга қўл урилмоқда. Хусусан, виллоят ҳокимлиги билан ҳамжиҳатликда Янгийер шаҳрида 60 нафар яққа-ёлғиз қариларга «Саховат уйи» барпо этилди. Барча шайроқларга эга

бўлган, ўзига хос қошона саналимиш маскан гоят қисқа фурсатда қад ростлади. Савобли ишдан кўпчилик четда қолмасликка ҳаракат қилди. «Саховат уйи»ни реконструкция қилишга 150 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, виллоят ҳокимлиги билан келишувга мувофиқ 503 та корхонада 5320 нафар пенсионерга катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Турли байрамларда 4094 нафар пенсионерга эса 36064,6 миң сўмлик хайрия ёрдами уюштирилди. 259 турмушининг уй-жойи таъмирлаб берилди. Биз фаолиятда сўз ва иш бирлигига эришиш, инсонга иложи борича кўпроқ наф келтириш пайида бўлаялмиш. 80 нафар қария касаба уюшма ҳисобидан Тошкент виллоятида «Бўстон» сийахтоҳида дам олдирилганида, уларнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди. Табарруқ инсонлар давлатимиз раҳбарларини дуо қилиб, муборак юртимизда тинчлик-хотир-амлик барқарор бўлишини Яратгандан сўрадилар. **(Давоми 2-бетда).**



Боёвут туманилик Тўхли бобо Турсуновни ҳамқишлоқлари том маънода бахтли инсон, дея таърифлашади. 75 ёшини қоралаётган 9 фарзанднинг бахтиёр отаси, 25 невар ва 5 чеваранин бобоси ўз ҳаёти, оиласи ҳақида фахр билан гапирди. Чунки мустақиллик йилларида катта оила аъзолари тадбиркорликка қўл уриб, мўл нознеъмат яратишга мушарраф бўлдилар. Шунинг орқасидан уйлар қуришди, тўйлар қилишди. **Суратда: пири бадавлат нуруний Тўхли бобо Турсунов. И.ҲАСАНОВ олган сурат.**



ЁЗ ЎТДИ, МАКТАБ БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бу йил болалар оромгоҳларда куч тўллаб, соғлигини яхшилаш учун барча ишни қилди. Ҳисоб-китоб ва тахлил билан банд мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 700 дан ортиқ оромгоҳда 270 миң ўғил-қиз жисмоний ва маънавий қувватини оширди. Бу - режадагидан анча кўпдир.

Маълумки, болаларнинг дам олиши уч сменада ташкил этилади. Бу йил саккиз минтақа - Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа виллоятларда тўрт смена ташкил этилди. Болалар бу йилги ёз мавсумидан нималарни эслаб қолади, тенгдошлари-

га нималарни гапириб беради? Оролбўйиллик 7 миң бола дам олиш касаба уюшмалари кўмагида улар учун текин ташкил этилганини мамнун бўлиб гапириб беради. Яна қаерда денг? Республикадаги энг яхши оромгоҳларда! Уларни Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Тошкент виллоятлари ва пойтахтда қучоқ очиб кутиб олишди. Бу улкан ва муҳим ишда касаба уюшмаларига «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси, автотранспорт корхоналари, шунингдек кўпгина хўжалик ташкилотлари катта ёрдам берди. Улар болаларни манзилга бепул элиб қўйди. Тошкентдаги «Лочин» оромгоҳи-

да таълим ва илм-фан касаба уюшмалари ҳисобидан 350 бола дам олди. Қорақалпоғистон, Сирдарё, Жиззах виллоятларидаги камхарж оилаларга ҳам имтиёзлар берилди. Гулистондаги 27-Меҳрибонлик уйи ҳамда «Кувноқ стартлар» телевизион танловидида голиб чиққан Дўстлик туманидаги 4-мактаб ўқувчилари бундай ажойиб совға учун ниҳоятда миннатдор бўлди. Андижон виллояти, Булоқбоши туманидаги «Шифокор» соғломлаштириш-иқтисодий оромгоҳининг очилгани янгилик бўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан «Агробизнесмарказ» раҳбарияти ҳам бу ишга ўз хиссасини қўшди. Болалар дам олибгина қолгани йўқ,

ҳуқуқий ва иқтисодий билим ҳам олди. Мана, ёз ҳам ўтди. Тез орада болажонлар компьютер билан жиҳозланган мактабларга, лаборатория, студияларга йўл олади. Республиканинг 9600 дан ортиқ мактабда 5 миллион 400 миңдан ортиқ ўқувчинини ўз бағрига олади. Давлат, касаба уюшмалари ўсиб келаятган авлод ҳар томонлама ривожланиши, жамики имкониятларга эга бўлиши, ўқитувчи, мураббийлар эса доимий равишда ижтимоий, ҳуқуқий муҳофазада эканини ҳис этиши учун барча ишни қилмоқда. **Вячеслав ДРАЧЁВ, Ўза мухбири.**

ШУ ГЎЗАЛ ЮРТ, МУҚАДДАС ЗАМИН

(Боши 1-бетда).

Фаолиятимизда майда ишнинг ўзи йўқ. Арзимас бўлиб кўринган бирон нарса билан инсон кўнглини тоғдай кўтариш, унинг ҳаётини яхши томонга буриб юбориш мумкин. КУФК, вилоят ҳокимлиги ёрдами билан тўшака михланиб қолган 61 нафар кекаса ногиронлар аравачаси етказиб берилиши барчани қувонтирди. Боз устига 36 минг 798 нафар қария тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 14334 нафари амбулатория, стационар ва уй шароитларида даволандилар. Бундай юмушларга қўл уриш катта саъодат, инсонни улуғловчи омиллардир.

Инсон соғу саломат бўлсагина, жамияту жамоага наф келтира олади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон касабаси уюмлари Федерацияси тасарруфидида санаторий ва дам олиш уйлари ташкирлаш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, меҳнаткашлар, фахрийлар тақлифи асосида янги бўлимлар ташкил этиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда шифо масканларимиз хориждагидан асло қолишмайди. Шу боис уларда дам олишни ихтиёр этаётганлар кўпайиб бормоқда. Фиримизнинг исботи сифатида мисол келтирсак. Жорий йилнинг ўтган янги йиллигида санаторий, санаторий-профилакторийларга 564 та йўлланма олиш режалаштирилган. Бирок, талаб ва истакларни ўргангач, 753 та йўлланма сотиб олиб,

фақат бизга ато этилган

бошланғич ташкилотлар орқали эгаларига етказдик.

Болаларни ёзги соғломлаштириш бу йил Сирдарёда ҳар ҳолда яхши кечди. Ҳамқору ҳам-жиҳатликда Сирдарё соҳилларида жойлашган биноларни ташкирлаб, сўлим оромгоҳлар ташкил этишга ҳаракат қилдик. Уларда меҳнаткашларнинг 3500 нафардан зиёд фарзанди кўнглили дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Эйтиборлиси шуки, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг ҳаммаси бепул дам олдирилди.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш касабаси уюмлари ишида алоҳида ўрин тутди. Бозор шароитининг ўзига хос муаммолари бор. Хусусан, иш берувчи ва ходим ўртасида зиддиятли муносабатлар учраб турибди. Гулистон туманидаги «Дехқонобод» автойўл бирлашмасида бир йўла 12 нафар ишчи ўрни кискартирилди. Вилоят касабаси уюмлари Кенгашига йўлланган шикоят хатида маъмурият ноконуний йўл тутганлиги таъкидланиб, биздан ёрдам сўралганди. Мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракати, инсон тақдирига ўта масъулият билан ёндошилганлиги натижасида ноконуний кискартиришга тушган ходимларнинг барчаси ўз ишларига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи андириб берилди.

Мана бунга нима дейсиз, Ширин шаҳар ҳокими ўринбосари Э.Махмудовна ҳамда ҳокимлик ишлар бўлими мудири

Г.Хўжаевлар ҳам бизга ариза билан мурожаат қилишди. Текширувлар натижасида ҳар иккаласи меҳнат қонунларига зид равишда вазифаларидан озод этилганлиги равшан бўлди. Ҳақ жойида қарор топди. Эндиликда юқорида номлари тилга олинган кишилар вақтида кўлаб-қувватлаганликлари учун касабаси уюм фаолларига раҳматлар айтишмоқда.

Маънавиятсиз келажаки тасаввур этиб бўлмайди. Шу йўналишда яна бир хайри ишга қўл урилди. Гулистон шаҳридаги вилоят кутубхонаси яхшилаб ташкирлаб «Маърифат ва маънавият» марказига айлантирилди. Унинг биринчи қаватида кутубхона, ўқув зали, иккинчи қаватида эса бешта маданий марказнинг вилоят бўлимлари фаолият юритади. Кираверишда Шарқнинг 25 нафар улуғ алломасининг бюсти ўрнатилди. Ишончимиз комилки, бу ер чўлқуварларнинг энг севимли масканларидан бирига айланади.

Бир вақтлар Сирдарё спортининг нисбатан эътирозлар кўп бўларди. Бошқарув қўли ҳам танқиддан тўғри хулоса чиқардик. Мустақиллик йилларида ёндошилганлиги натижасида бекиёс даражада ривожланди. Масалан, вакилимиз Умид Аҳмедов бир неча бор Осиё ва Жаҳон майдонларида спортнинг армрестлинг тури бўйича чемпионликни қўлга киритди. Эндиликда кўлаб ёшлар унинг изидан боришмоқда. Вилоятимизда 30 минг нафардан ортиқ киши

спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланмоқда. «Алломиш» спорт мажмуи, Бокс саройи, сузиш ҳавзалари, уйингоҳлар меҳнаткашлар, ёшлар ихтиёрида. Яқинда 15 минг томошабинга мўлжалланган «Гулистон» уйингоҳи ташкирланиб, қайта фойдаланишга топширилди. Мақсадга эришишда хориж тажрибаси ҳам фойда қўла қалаётган. Шахсан ўзим касабаси уюшма вакили сифатида Японияга сафар қилиб, фойда бой таассуротлар билан қайтдим. Бир вақтлар бундай йирик мамлакатларга бориш, ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйиш бамисоли тушдек гап эди. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофатидандир!

Шу юрт фуқароси сифатида бир нарсасига чуқур ишонаманки, Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган буюқ тарихий воқеа бўлиб қолажак. Бейхитёр ҳурматли Президентимизнинг қўйидаги сўзлари хотирада жонланиб, қалбларни жумбушга келтириди: **Жаҳон — кенг, дунё — мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз. Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган.**

Носирхон АКБАРОВ, Сирдарё вилоят касабаси уюмлари Кенгаши раиси.

Мустақилликнинг илк кунларида ноқ бошланган кенг кўламли ислохотларнинг самараси эндиликда кўзга аққол ташланмоқда. Бундан ташқари вилоятнинг Иштихон тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган қисқа вақт мобайнида туманда ишлаб чиқариш ҳам, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам ўсди. Ислохотлар туфайли, энг ав-

эга. Ўтган йили «Рустам-Достон» кичик корхонаси негизда Ўзбекистон-Россия «Ал-Носир» кўшма корхонаси ташкил этилди. Тумандаги илгор фермерлар хориж ишлаб чиқариш усулларини ўзлаштирмоқда. Масалан, «Жўра бобо Сунонов» фермер хўжалиги негизда Болгария технологияси асосида суткасига 2 минг литр сутни қайта ишлаб, 4 хил маҳсулот чиқарадиган корхона очилди. Бунинг

ФЕРМЕРЛАР хориж ишлаб чиқариш усулларини ўзлаштиришди

вало, одамларнинг меҳнатига муносабати, фаолият тамойиллари илғорлиги томонга ўзгарди. Мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлди. Бунёдкорона меҳнат қилиш турмуш эҳтиёжига айланди. Қишлоқ хўжалигида ҳозир қарийб 3,5 минг нафар пудратчи оила фаолият кўрсатапти. Бундан ташқари 1021 та фермер хўжалиги маҳсулот этиштирмоқда. Кейинги йилларда экинлардан юқори ҳосил олинди, қорамол, қўй-эчки, парранда сони сезиларли кўпайди. Шунингдек, деҳқон хўжаликлари ҳам ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

—Туман иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик алоҳида ўрин тутди. Шу боис уларнинг сони муттасил ўсиб бормоқда. Муҳими, ишбилармонлар эндиликда ишлаб чиқариш билан кўпроқ машғул бўлишмоқда, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ш.Қосимов, — Йилнинг ўтган даврида кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишловчи бир киши ҳисобига ўртача 175 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари асосан қишлоқ жойларида ташкил этилишига эътибор қаратаёلمиз. Тумандаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарида, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида ҳозир 20 минг нафарга яқин одам доимий иш билан банд.

Иштихонлик бир қанча тадбиркорлар фаолиятига, эришаётган натижаларига чиндан ҳавас қилса арзийди. Хусусан, «Иштихон консерва» корхонаси Миллий банк ажратган кредит ҳисобига Италиянинг «САСИБ ФУД» фирмасидан ускуна ва технологияларни келтириб, ишга туширишга эришди. Уч йилдири, бу ерда суткасига 150 тонна помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланмоқда. 33 нафар киши доимий иш жойига

учун 108 минг АҚШ доллари сарфланиб, Болгариянинг «Лимбо» фирмасидан ускуналар келтирилди. «ЖАФ» фермер хўжалиги майиз тайёрлаш, меваларни қайта ишлайдиган кўшма корхона тузиш бўйича иш олиб бормоқда. Хусусий тадбиркор А.Умирзоков эса Германия технологияси асосида черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Иқтисодий тараққиётнинг келажаги тадбиркорликнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун туман раҳбарияти тадбиркорларни ҳар томонлама кўлаб-қувватламоқда. Уларга банклар ва жамғармалар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти қонунқоидаларини ўрганишлари учун махсус ўқувлар уюштирилмоқда, зарур ахборотлар билан таъминланмоқда. Бу тадбирларга туман ҳокимлигининг тегишли бўлимлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, кичик ва ўрта бизнесни ахборот ва ислохот билан кўлаб-қувватлаш маркази, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар жалб этилмоқда. Тадбиркорлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Жорий йилда ўтказилган ўқувларда 315 нафар тадбиркор қатнашди. 200 нафар фермер ма- лака оширди.

Туманда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича махсус дастур мавжуд. Унга кўра кичик ва ўрта бизнеснинг бугунги аҳоли чуқур таҳлил қилиниб, ривожлантириш режаси белгиланган. Яқин вақтларда чет эл сарможаларини жалб этиб, кичик кўшма корхоналар бунёд этиш, мавжудларини замонавий ускуналар билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Бугун туманда sanoat, капитал қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ўсиш кузатишмоқда. Буларнинг ҳаммаси иш тўғри йўлга қўйилганининг натижасидир. Яна бир нарсани эътироф этиш керак. Иштихонлик ишлаб чиқарувчилар 950 миллион сўмликка яқин маҳсулотни четга экспорт қилишди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ибрат ЯНГИ МАҲСУЛОТ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА

Республика халқ таълими вазирилик-ига қарашли Жиззах вилоят «Таълим-савдо» корхонаси завод-фабрикалар билан таълим муассасалари ўртасида воситачилик билан шуғулланиб, мактаб жиҳозлари келтириб, ўқув муассасалари ва болалар боғчаларига устама нарх қўйиб сотарди. Шу йилдан бошлаб корхона қошида қаттиқ меҳнат қилишнинг таъмирлайдиган, парта, стол-стуллар, кроватлар тайёрлайдиган цех ишга туширилди. Ўтган етти ойда 300 та парта, стол-стуллар жамлан-маси, 20 та ошхона стол-стуллари, 17 та ёзув тахталари тайёр-ланиб, ўз манзиллари-га етказиб берилди.


— Қаттиқ жиҳозлар-ни завод-фабрика-лардан олиб келиб, мактаб ва боғчаларга етказиб бериш бугун-ги кун нархида 78-90 минг сўмга тушади, — дейди корхона раҳба-ри Тиркаш Қўзибоев. — Цехимизда тайёр-лаб сотсак, парта, стол-стул жамланмаси атиги 36 минг сўми ташкил этапти. Яқинда Меҳрибонлик уйлари, болалар боғ-чалари тарбияланув-чилари учун чойшаб-лар тикадиган цех ҳам ташкил эди.

Корхона жамоаси-нинг изланишлари самараси юқори бўлмоқда. Вилоят халқ таълими бош-қармаси тасарруфи-даги таълим муассасаларининг қаттиқ ва юшмоқ жиҳозларга бўлган эҳтиёжи қон-дириляпти. Энг асо-сийси эса, Жиззах шаҳрида яшовчи 20 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири.



«Зомин» — республикамиздаги нуфузли сирхатгоҳлардан бири. У хушманзара, хушхаво Зомин тоғлари орасида жойлашгани боис мамлакатимизнинг барча вилоятларидан дам олувчилар тез-тез келиб туради. 400 ўринли ушбу дам олиш маскани 1988 йилдан буён фаолият



кўрсатмоқда. Унда нафас йўллари, асаб, юрак хасталиги билан оғриган беморлар даволанади. Уларга 200 нафар тиббиёт ходими намуна-ли хизмат кўрсатмоқда.

И.ТЎРАЕВ, (Ўза) олган суратлар.

Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташкари сессияси хужжатларида таъкидланганидек, халқимизга олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарсаси керак. У ҳам бўлса раҳбарларнинг, етакчиларнинг уйғониши; юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам энгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон қуйдириши керак.

Бундан 2-3 йил илгари Пешку ўрмон хўжалиги хусусида фақат эътирозли фикрлар айтиларди. Шу боис қарзга ботган жамоани оёққа тургазининг ўзи бўлмади. Бунга омилкор кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли эришилди. Қирқни қоралаб қолган Муродилло раҳбарликнинг биринчи кунданок жамоа олдидаги масъу-لياتни чуқур англаб, му-аммо ва камчиликларни бартараф этишга эъти-борни қаратди. Ҳар ишда тежамкор бўлиш, аввал ўйлаб сўнгра унинг иж-росини таъминлаш йўлларини излашга туш-ди. Пешку ўрмон участ-

— Бу ерга келгач, зим-мамда нафақат бўлимда-ги 40 нафар ишчи-хиз-матчи тақдирини учун жа-воб бериш, балки туман-имиз деҳқонларининг ҳам аҳолини, мушуқли-ни энгиллаштиришга кўмаклашиш вазифаси

юклатилганлигини дил-дан ҳис этдим, — дейди Муродилло Ортиқов. — Айни шу нарсаси менга тинчлик бермасди. Орадан 1,5 йил ўтар-ўтмас мазкур ҳудудда «ашиқ қалқон» майдонла-ри ҳам бўйига, ҳам энга кенгайди. Айни пайт-да унинг сатҳи 32 минг 80 гектарни ташкил эта-ди. — Эътибор, талабчан-лик билан ишга ёндо-

шиш исзис кетмайди, деб шунга айтсалар ке-рак. Хўжалигимиз ҳаде-май истикболли чўққи-ларга чиқиб олади. Не-гаки, шамолнинг йўлини

шартномалар имзола-ниб, уларга қўлайликлар яратилди. Яна бир гап. Мавжуд 61 гектар сўғориладиган ердан унумли фойдала-

Ўз ўрнини топган кишилар

шиш исзис кетмайди, деб шунга айтсалар ке-рак. Хўжалигимиз ҳаде-май истикболли чўққи-ларга чиқиб олади. Не-гаки, шамолнинг йўлини

кунжара, шелухалар тар-қатилди. Режадан ор-тиққа этиштирилган 15 тонна бугдой ҳам жа-моа аъзоларига бозор-дагидан анча арзон нархда сотилди. Жа-моа чўлда саксовул кўчатхоналари барпо этиб, уни бошқа ўрмон участкаларига сотиш эвазига қўшимча даро-мад олишни мўлжаллаб туришибди.

Ўртача ойлик маош микдори қўшимча да-ромад ҳисобига 30 минг сўмга етказилди. Илҳом Файзиев, Қахра-мон Жумаев, Самад Шодиев, Аҳад Неъма-тов, Асад Навотов син-гари ишчи-хизматчи-ларнинг кайфияти ба-ланд. Чунки улар ишла-рига яраша мўмай да-ромад қилишмоқда.

Усмон НАВЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

ИПАК ТОЛАСИ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз ипакчи-лик тармоғи олдида табиий ипакдан тайёрланган маҳсулотларни янада кўпайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш вазифа-си турибди. Бу эса пилла маҳсулдорлиги ва сифати-ни ошириш, ундан тайёр-ланадиган ипак қалавалар-ни, газламаларнинг жаҳон бозори талаблари даража-сида бўлишини тақозо эта-ди.

Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари кейинги йиллар-да ипак қуртининг янги, мамлакатимиз табиий-иқлим шароитига мос, сер-маҳсул зотларини яратиш устида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Айни вақт-да пиллачиликнинг оздука базасини мустаҳкамлаш, пиллани қайта ишлашни замонавий технологиялар асосида ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қарати-лмоқда.

(Ўза).

Истиқлолимизнинг 11 йиллигига бағишланади

Касаба уюшма тадбири

Пойтахт вилоятининг Тошкент денгизи ёнида жойлашган сўлим «Меҳржон» оромгоҳи спорт майдонларида **Енгил, меҳел санвати ва коммунал-майший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг республика III спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақа иштирокчилари спортнинг олти тури бўйича голиблик учун баҳс олиб бордилар.**

Спартакиада бошланиши аввалида тармоқ меҳнат-кашлари ўртасида ўтказилган «Ўз касбининг мохир устаси» кўрик-танловининг голиб ва совриндорларини

футболчилар рақиб жамоа — Тошкент вилоятиликларга ўз эътирозларини билдиришди. Гап шундаки, мусобақа натижасида хар бир спорт тури бўйича қатнашчиларнинг



Жуманазар КОДИРОВ, «Сурхонтекстил» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Спартакиада вилоятлардаги ҳамкасбларимиз билан учрашиб, ютуқ ва камчиликларимизни мулоҳаза қилиб олиш имконини берди. Бундан ташқари, у спорт ва санъат ўй-унлигидаги ажойиб кўнгилочар тадбир сифатида ҳам хотирага муҳланди.

Хар йили корхонамиз тасаруфидоги «Пахтакор» ўйингоҳида спорт устаси Абдуғани Жўраев хотирасига бағишлаб целлароро, бўлимлараро футбол турнирини ўтказамиз. Шунинг учун ҳам спартакиадада

корхонамиз ишчиларидан ташкил топган футбол жамоамиз муваффақиятли иштирок этди. Таклифим, бундай мусобақаларни фақат Тошкентда эмас, балки вилоятларда, масалан, Бухоро, Самарканд, Термиз сингари кўҳна шаҳарларимизда ҳам ўтказилса, айна мудоаа бўларди.

Мамлакат РАҲМОНОВА, «Бухоро ипаги» хиссадорлик жамияти тўқувчиси:

— Республика миқёсидаги мусобақада биринчи мартаба қатнашимиз. Таассуротларим бир олам. Айниқса, касаба уюшмалари томонидан

ташкиллаштирилаётган спорт тадбирларида ота-оналар билан бирга ўғил-қизларимизнинг ҳам иштирок этгани мени хурсанд этди. Бинобарин, ўзим ҳам фарзандларим қалбида спортга меҳр уйғотишга ҳаракат қиламан. Ўғлим волейболчи. Қизим эса Бухоро шаҳридаги спорт мактаб-интернатида ўқийди, чим устида хоккей бўйича терма жамоа аъзоси.

Гулсара ХАЙДАРОВА, «Каштекс» акционерлик жамияти цех бошлиғи:

— Беллашувларда М.Турсунова, Ш.Жумаева, Д.Эшон-

кулов, Ф.Алимардонов, Б.Тоштемировлар билан бирга вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кўмитаси шарафини химоя қилдик. Мусобақаларга келишимиз учун эса корхонамиз раҳбарияти барча имкониятни яратиб берди.

Бизда спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш учун барча шароитлар мавжуд. Масалан, корхонамизда яқин кунлар ичида спорт клуби иш бошлайди. Унда биз спорт билан машғул бўламиз, саломатлигимизни мустаҳкамлаймиз. Бу ўз навбатида иш самарадорлигига ижобий таъсир ўтказиши.

«МЕХРЖОН»ДА

тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Айтиш керакки, мазкур танловда Сурхондарё, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари фаол иштирок этдилар.

Сўнгра карнай-сурнай садолари барчани спорт майдонлари — беллашувларга чорлади. Спартакиаданинг очилиш маросимида қатнашган тармоқ вакиллари, ассоциация ва бирлашмалар вакиллари спортчиларга омадлар тилашди. Шундан сўнг спартакиада байроғи кўтарилиб, мусобақаларга старт берилди.


Спартакиада дастуридан ўрин олган мини футбол беллашувлари муҳлис ва мутахассислар, қолаверса, қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди. Таъкидлаш лозимки, ўйинлар ўзининг кескинлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Жиззах, Самарканд, Бухоро ҳамда сурхондарёликлар мусобақага пухта тайёргарлик билан келганликларини намоён этишди: улар иштирокидаги учрашувлар пайтида томошбинлар футболчиларнинг тинимсиз олқишлар турдилар. Мазкур жамоаларнинг совринли ўринларни кўлга киритганликлари ҳам фикримиз исботидир.

Энди тадбирнинг юксак савияда ўтишига соя ташлаган жихатлар тўғрисида. Бу энг аввал Сирдарё вилояти футболчиларининг мусобақага ташриф буюрмаганлигида намоён бўлди. Маълум бўлишича, спартакиадада вилоятдан биронта ҳам спортчи иштирок этмабди. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин: Сирдарё вилояти тармоқ касаба уюшма кўмитаси мутаассаддилари меҳнаткашлар ўртасида спорт оммавийлигига эришишдек ўта муҳим ишга шу қадар нолисанглик билан муносабатдаларми ёки?...

Яна бир кўнгилхирра ҳолат. Футбол жамоалари иккинчи тур ўйинларини ўтказишга киришадиган бир паллада самарқандлик



СПОРТ ШОДИЁНАСИ



ёши чегараланган бўлиб, тошкентликлар бу қондага амал қилишмаган экан. Шу боис ҳам Тошкент вилояти футболчилари мусобақадан четлаштирилди. Умуман спартакиадада барча жамоалар ҳам ўлик таркибда иштирок этди, дея олмаймиз. Хуллас, демокчимизки, келгусида ташкилотчилар айна шу ҳолатларга эътибор қаратсалар, айна мудоаа бўлур эди.

Шоҳмат-шашка мусобақаларида Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари омад кулиб боқди. Енгил атлетика беллашувларида фарғоналик Ольга Сатторовна ўзининг энциллигини намоён этди. Шунингдек, Мамлакат Раҳмонова (Бухоро вилояти) ва Тамара Турсунова (Қашқадарё вилояти)лар ҳам совринли ўринларни эгаллашди. Оилавий мусобақаларда эса Талановлар (Фарғона вилояти), Чипенқолар (Тошкент

шаҳри) ҳамда Сапаевлар (Хоразм вилояти) оилалари зафар кучишди. Стол тенниси бўйича пойтахтлик Галина Маслова рақибларидан анча маҳоратли эканлигини кўрсатди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, фарғоналиклар иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари учинчи ўринни кўлга киритдилар. Мазкур жамоаларга фахрий ёрлик, кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Тошкент шаҳри жамоаси Марказий кўмитанинг махсус соврини — телевизор билан тақдирланди. Шуниси таҳсинга лойиқки, ушбу совғани Тошкент шаҳар тармоқ ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Омонулло Сафаев оромгоҳга тортиқ этди. Ташаббусни барча қарсақлар ила қарши олди.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбири, Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Хотира турнири

Сариосиё тумани «Дашнобод» ширкат хўжалигида шоҳмат бўйича Абдурахмон Аҳмедов хотира турнири бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган 50 нафардан ортиқ тажрибали шоҳматчилар иштирок этишди.

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАР

Хотира турнирида спорт усталарининг иштирок этгани, беллашувларни тажрибали ҳакамлар бошқари борганлиги мусобақага ўзгача файз, нуфуз бағишлади. Ҳар қизиқарли ўтган беллашувларда Бегали Саидов, Фахриддин Сатторов, Набижон Норбоев, Ҳалим Тўраевларнинг қўли балан келди. Уларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган кимматбаҳо совғалар топширилди.

— Хотира турнири юксак савияда ўтказилди, - дейди сирдарёлик халқаро спорт устаси Маматкул Хайлаев. — Мусобақанинг шаҳар ёки туман марказларида эмас, айна чекка бири хўжаликда ўтгани келгусида маҳоратли ёш шоҳматчиларнинг камол топишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Т.ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

Футбол

ҚОСИМОВ ЯНА «ПАХТАКОР»ДА

Муҳлислар назари тушган ҳеч бир воқеа баҳосиз қолмайди. Бир неча ўйин муқаддам мамлакат терма жамоасининг сардори Миржалол Қосимовнинг «Пахтакор» заҳира ўринидаги пайдо бўлиши ишқибозларда катта қизиқиш уйғотганди. Унинг майдонга тушиши Бирлашган араб амирлигининг сардоримиз тўп сурган «Ал-шабоб» клубидан юбориладиган сертификатга қараб қолган, техник бу муаммо ечими эса нафақат «Пахтакор» жамоаси мутахассислари, балки турнир пешқадамга қарши ўйнайдиган хар бир команда раҳбарлари учун ҳам гоят муҳим эди.

Қарангки, бу чек келиб-келиб «Насаф» жамоаси зиммасига тушди. Бундай деяётганимиз бежиз эмас. «Пахтакор»нинг мағлубиятлар устидида бор-йўғи бир рақами қайд этилган, у ҳам бўлса Қаршида бўлиб ўтган биринчи давра учрашувда юз берганди. Ушундан тошкентликлар майдон эгаларига йирик — 4:0 ҳисобида ютқазиб қўйган эдилар.

Мағлубият ҳамиша аламли. Жуда кўпчилик бу ҳолни турлича изоҳлаган, ким ёш ўйинчилардан ташкил топган жамоа учун табиий кўриниш деса, ким эса «Насаф» энди ўзини кўрсатади, дея қувонганди. Йўқ, кўп ўтмай ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетди: «Пахтакор» тез орада ўзини ўнглаб олган бўлса, «Насаф» хар қанча уринмасин, учинчи ўриндан юқори кўтарилмади. Боз устига, «Пахтакор»нинг шиддаткорлиги ортиб, медаллар учун кураш янада кескинлашди.

Шундай мураккаб вазият юзага келган бир аснода кучли икки жамоанинг учрашуви, шак-шубҳасиз, унга бўлган қизиқишни ортириб юборди. Иккинчи бўлимда М.Қосимовнинг майдонга тушиши эса ўйинга яна ҳам мазмун бахш этди. Очиги, шу кун қаршилиқлар ишқибозлар кутган даражадаги ўйинни намоён этишолмадилар. Пахтакорчиларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлайди — 4:0. Худди биринчи даврадаги матчнинг такрорий нумунаси. Яна майдон эгалари — голиб. Фақат бир нарса кишини ўйлантиради. Биринчи учрашувда тошкентликларда қулай вазиятлар кўп бўлган эди, буниси эса, аксинча. Бундай ўйин савияси билан «Насаф» медалсиз қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Гап шундаки, изма-из бораётган «Нефтчи» жамоаси гарчанд «Насаф» каби меҳмонда тўп сурган бўлса-да, муҳим галабани кўлга киритди. Сарқиян шоғирдилари Жиззахда маҳаллий «Сўғдиёна» устидан 3:2 ҳисобида зафар қучиб, учинчи ўринда мустаҳкамланиб олди. Қолдирилган ўйинда «Зарафшон»ни 5:4 ҳисобида енгган «Нефтчи» эндиликда ҳатто «Кизилқум» билан ўрин алмашиш учун курашиш имкониятига эга бўлиб турибди.

Ушбу тур меҳмонларнинг устунлиги остида ўтди десак, тўғрироқ бўлади. Буни қайд этилган натижалар ҳам тасдиқлайди: «Трактор»-«Андижон» — 0:2, «Самарқанд-Д»-«Металлург» — 0:2, «Зарафшон» — «Сурхон» — 0:1, «Кўкон» — 1912 — «Дўстлик» — 0:3 «Машъал»-«Навбахор» — 0:0. «Бухоро» жамоасигина стадионга келган муҳлисларини хушнуд қила олди. Мавсумда чиройли ўйинлар кўрсатиб, турнир жадвалида иккинчи ўринда бораётган «Кизилқум» мағлубиятга учради. Ҳисоб — 2:1.

18-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	17	15	1	1	57-9	46
2. «Кизилқум»	18	13	1	4	42-19	40
3. «Нефтчи»	18	12	2	4	42-22	38
4. «Насаф»	18	11	2	5	37-21	35
5. «Металлург»	18	8	5	5	24-22	29
6. «Бухоро»	18	9	2	7	28-32	26
7. «Навбахор»	18	8	3	7	32-26	27
8. «Дўстлик»	18	8	1	9	24-29	25
9. «Андижон»	18	6	3	9	25-32	21
10. «Самарқанд-Д»	18	6	3	8	18-31	21
11. «Трактор»	18	5	4	9	21-32	19
12. «Кўкон-1912»	18	5	2	11	19-37	17
13. «Сурхон»	18	5	2	11	17-35	17
14. «Сўғдиёна»	18	4	4	10	19-28	16
15. «Машъал»	17	4	3	10	18-33	15
16. «Зарафшон»	18	4	2	11	19-34	14

Биз Анваржон билан бир бинода ишлаймиз. Камтар, меҳнаткаш ва гоят босиқ бу йигитнинг кўнглидан нималар кечадиганини пайқаш қийин. Лекин ақинда қайфияти йўқроқ ҳолатда учратиб ҳайрон бўлдим. Сабабини сўрадим.

ТАЭКВАНДОЧИ НОДИРБЕК — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

— Кенжа ўғлим сал шамоллаб қолганди. Шунга қарамадан Остонага, Осие чемпиони га учиб кетибди, дарак йўқ, — дея жавоб қайтарди.

Табиийки, унинг кўнглини кўтарган бўлдим. Шу кун кечкурун телевидение орқали Анваржоннинг ўғли Нодирбек Набиевнинг қитъа чемпионатида олтин медал соҳиби бўлганлигини эшитдим.

Эртасига Анваржонни учратиб қизгин табриқладим. Бу гал қайфияти чоғ эди.

— Бу ака-укалар шу-

нақа, бу хунарларингни ташланглр, тагин бирон жойларингни лат едириб олманглр, гагимга қулоқ солишмайди, — деди биродарим жилмайиб.

Анча йиллардан бери билсам-да, Анваржоннинг оилавий аҳолидан яхши хабардор эмасдим, хусусан, фарзандлари кимлиги ва қандай машғулотлар билан шуғулланишларини билмасдим.

— Ўғилларингиз нечта? Ҳаммаси спорт билан шуғулланишадими? — дея сўрадим.

— Уч нафар, бари спорт билан шуғулланади. — Сўнг фахр билан қўшиб

қўйди. — Нодирбекдан катталари ҳам таниқли таэквандочилардан, қора белбоғ соҳиблари.

Дарҳақиқат, дастлаб Ан-

масдан улар ҳаракатларини қайтаришга уринар, акаларидан қолшмасликка интиларди, — дея ҳикоя қилади Анваржон. — Айт-


моқчиманки, одам боласи ёшлиқдан бирон нарсага меҳр қўйса, унга чин юракдан берилса, албатта мақсадига етар экан.

Ҳа, сўхбатдошим тилга олганидек, Нодирбек ҳам синфдан-синфга ўтган сайин интилишлари ўз самарасини бера бошлади. Йигирма икки ёшидаёқ Наманган вилоятидаги спорт юлдузларидан бири сифатида танилиб улгурди. Қозоғистон пойтахтида ўтказилган Осие чемпиони эса Нодирбек учун ўзига хос синов бўлди.

— Уч давлат вакиллари бўлган тенгдошларим би-

Юлдузларимиз

лан беллашишга тўғри келди, — дейди бу ҳақда Но-



дирбекнинг ўзи. — Очиги, уларни енгши мен учун қийин бўлмади. Лекин, тўғриси, қозоғистонлик спортчи билан «жанг»да анча-мунча куч сарфлашга тўғри келди. Хар ҳолда ҳаракатларим зое кетмаганлигидан хурсандман. Энг қувончлиси шундаки, Осие давлатларининг 15 та кучли терма жамоаси вакиллари голиблик учун кураш олиб борган мусоба-

қада мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Биз Остонадан 14 та олтин, 9 та кумуш, 4 та бронза медал билан қайтдик. Жумладан, менга ҳам олтин медал nasib этди.

Нодирбекдан навбатдаги режаларини суриштирдик.

— Келгуси йили АҚШда таэквандо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади, — дея жавоб қайтарди сўхбатдошимиз.

Мақсадим ушбу беллашувда ҳам иштирок этиб, Ўзбекистонимиз байроғи балан кўтараш.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси қошидаги олий спорт маҳорати мактаби тарбияланувчиси Нодирбек Набиевнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқишига тилақдошимиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топширди - 22.10

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 719. 1 2 3 4 5 6